O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **5** май, жума № **18** (2145).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **5** мая, **2006** год, № **18** (2145).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ФАРМОНИ

### Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 000 (ўттиз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 май.


Комилжон ТЎРАЕВ сурати олган.

*Аждодларга муносиб бўл, ўғлоним!*

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

### Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлди.

Покистон заминида минг йиллар мобайнида турли цивилизациялар алмашиб келган. Эрамиздан бир неча асрлар аввал Хараппа цивилизацияси ҳукм сурган бу юртда ҳозир ҳам орий, юнон, араб, турк ва инглиз саркардаларининг изларини топиш мумкин. Бу заминга Искандар, Чандрагупта, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Мирзо Бобурнинг оёғи теккан.

Покистонликлар табиатида шарқона мушоҳада яққол сезилиб туради. Бу мушоҳада замирида шарқона вазминлик бор. Ана шу вазминлик орқали мушоҳада донишмандликка айланади. Исломобод Осиёдаги, айрим маълумотларга кўра, дунёдаги энг катта масжидга – Шоҳ Фейсал масжидига эга бўлгани ҳолда, ҳали–ҳануз кенгайишга ошиқмаётгани, аввалги бошкент Карачидек теварак-атрофни ўзига сингдириб юбормаётгани ҳам ўзига хос вазминлик белгисидир.

Буларнинг барчаси Покистон баайни Ўзбекистон сингари ғоят бой тарихга эга эканлигидан, халқларимиз чуқур тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланганидан далолат беради. Мисол тариқасида Мирзо Бобур мероси халқларимизнинг умумий мулки саналишини айтиш мумкин. Айни кунларда аждодларимиз давридаги маданий қадриятларни, археологик топилмаларни, қўлёзмаларни ўрганиш юзасидан қўшма илмий тадқиқотлар ўтказилаётгани дунё халқаро муносабатлар тизимидаги ноёб ҳамкорлик алоқаларидан бири эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи тарихий муштараклик асосига қурилган икки томонлама муносабатларни ҳозирги давр руҳи ва талаблари даражасида ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб бергани билан аҳамиятлидир.

Покистон Президенти Парвез Мушарраф билан ўтказилган яккама-якка суҳбат ва икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган тартибдаги музокара ўзаро муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, таҳлил этиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаш учун яхши имконият бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан Покистоннинг ҳамкорлиги янги суръат билан ривожланмоқда. Исломобод ўзининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият қаратади. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалаларда ҳамфикрлиги яхши асос бўлмоқда. Масалан, Покистон Андижон воқеаларидан кейин БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини ёқлади. Исломобод мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда Покистон раҳбарияти бу мамлакатда 2005 йил 8 октябрда бўлган зилзиладан кейин Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдамни жуда қадрлайди. Ўзбекистоннинг бундай елкадошлигига миннатдорлик ташриф асносида Президентлар имзолаган қўшма баёнотда ҳам ўз аксини топган.

Шу омилларни инобатга олиб, Ўзбекистон билан Покистон ўртасида мустаҳкам ишонч ва самимий ҳурматга асосланган муносабатлар қарор топиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги мулоқотларни кенгайтириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва ҳаётга фаол татбиқ этиш борасида мамлакатларимизнинг интилишлари бир хил эканлиги сафар асносида бир неча бор қайд этилди.

**(Давоми 5-бетда).**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**

# ОДАМИЙЛИК УЙҒОҚ — ХОТИРА УЙҒОҚ

Хотира ва Қадрлаш куни юртимизнинг барча гўшаларида, шу жумладан, ҳарбийларимиз орасида ҳам кенг тантана қилинади. Мудофаа вазирлиги томонидан мазкур санани кутиб олиш борасида турлича тавсиялар, йўл-йўриқлар берилиши анъана тусини олган. Жойларда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилади. Ҳарбийларимиз Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган аждодларини ёд этишади, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида, халқаро террорчиларга қарши курашда шаҳид кетган сафдошларини хотирлашади.

Ҳарбий қисмлардан бирида халқаро террорчиларни бартараф этишда мардларча ҳалок бўлган ҳарбийларимизга бағишлаб Хотира хиёбони ташкил этилган. Унинг очилиш тантанасида иштирок этганман. Фарзандига рамзий қабр сифатида қўйилган мармартошни қучиб, бўзлаган онаизорни кўрганман.

«Мана, ўғлим тирик, ўғлим сафдошлари орасида», дерди у зор-зор йиғларкан, фарзанди хотираси доимо ёд этилишига ишора қилиб. Ўша лаҳзалардаги манзара шундоққина кўз олдимда турибди: Хотира майдонига қўйилган алвон гуллар ёнаётгандек кўринади, кўзларимга. Унинг алангасида бўзлаб-бўзлаб қолган армонларни, бевақт хазон бўлган умрлар баҳорини кўраман. «Мана энди бир жойга жамландингиз шаҳид биродарларим. Бир ёнда Эломон, бир ёнда Сайёр, бир ёнда Бобур, бир ёнда Дониёр. Исмлари жисмларига ярашган алплар, марду майдонлар!

**(Давоми 7-бетда).**



**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**

# ТУПРОҒИ ЗАР ЎЛКАМ МЕНИНГ

Истиқлолимиз эълон қилинган дастлабки кунларданоқ мамлакатимизда нефть ва газ соҳасини ривожлантиришга, демакки, иқтисодиёт эҳтиёжини ўзимизнинг нефть ва газ манбаларимиз ҳисобидан қондиришга Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида алоҳида аҳамият бериб келинаётганини таъкидлаш лозим. Бу билан биз нефть ва газ мустақиллигига эришиш, бу борада ҳеч кимга қарам бўлиб қолмасликдек сиёсатни илгари сурдик. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз раҳбари 1992 йилда соҳа ислоҳотларидаги учта муҳим стратегик вазифаларни белгилаб берди. Улар:

1. Республика нефть мустақиллигига эришиш мақсадида нефть ва газ конденсати қазиб олишни кўпайтириш.

2. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида нефть ва газни қайта ишлаш бўйича технологик жараёнларни чуқурлаштириш.

3. Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасини ишончли хомашё базаси билан таъминлаш учун янги конлар очиш ҳисобига углеводородлар, энг аввало суюқ углеводородлар захирасини ошириш.

Табиийки, бундайин устувор мақсад, вазифалар ўзининг асосларига эга эди. Яъни мамлакатимизда сон-саноқсиз табиий бойликлар, хусусан, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган энергия ресурслари – нефть ва газ конденсати, табиий газ мавжудлигини назарда тутяпмиз.

**(Давоми 7-бетда).**

Муштарийларимизга

# ҚАЙТА РАНГ ОЛГАН ТУЙҒУЛАР

Ҳаётда кўп нарса ўткинчи. Вақт ўтиши билан жамиятдаги қонунлар, ғоялар, дунёқарашлар, мафкуралар эскириши, эҳтиёжларимизга жавоб бермай қолиши ҳам мумкин. Аммо шундайин инсоний қонуниятлар борки, замонлар, даврлар ўтгани билан улар аслини, моҳиятини йўқотмайди. Аждодларни хотирлаш ана шулар сирасига киради. Президентимиз ташаббуси билан асос солиниб, 1999 йилдан бери нишонланиб келинаётган Хотира ва Қадрлаш куни бизга буни яна бир бор эслатди. Таъбир жоиз бўлса, маънавиятимизда бу туйғуларнинг қайта ранг олишига замин яратди.

«Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки бугун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур». «Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эҳтиромни тушунайлик. Шу маънода бу кун ўзига хос аҳамият касб этади», деган фикрлар билан Юртбошимиз кенг жамоатчиликка Хотира ва Қадрлаш кунининг мазмун-моҳиятини тушунтирди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамизнинг барча гўшаларида Хотира майдонлари мавжуд. Бундайин масканлар ёшу қари учун том маънодаги зиёратгоҳга айланиб қолган. Уларнинг нафақат байраму тантаналарда, балки бошқа пайтларда ҳам одамлар билан гавжумлигига гувоҳ бўламиз. Никоҳ тўйи куни келин-куёв Хотира майдонига боришади, гуллар қўйиб, «Мотамсаро она»ни зиёрат қилишади. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари ҳам кўпинча шундайин зиёратгоҳларда ўтказилади. Юрт учун, истиқлол учун жон фидо этган аждодларини бундай хотирлаш билан авлодлар қалбида Ватанга садоқат туйғулари янада жўш уради.

**ТАҲРИРИЯТ**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**



# ИНСОН ҲУҚУҚИ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадриятдир. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларининг асосий ғоясини ташкил этувчи юқоридаги фикр чуқур ва кўп қиррали маъно-мазмунга эга.

Биз инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол деб қабул қилиш керак.

Бу борада жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам, Ўзбекистонда ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди ҳамда амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, авваламбор, унинг ҳуқуқий кафолатланишини таъминлаш зарур. Бунинг учун улар мустаҳкам қонуний асосга эга бўлишлари керак.

Бутун дунё бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган.

**(Давоми 7-бетда).**


3 САФДА – ЁШ АСКАРЛАР
БАРЧАСИ, СИЗЛАР УЧУН!


4 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
ЖАСОРАТ, МАТОНАТ, МАРДЛИК САБОҒИ


6 «УМИД НИҲОЛЛАРИ-2006»
ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ


10 ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ
БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ҒАМХЎРЛИК

ЧИНИҚИШ, ТОБЛАНИШ, МАҲОРАТ МАКТАБИ



Интеллектуальная армия



**В ходе контрольной проверки за минувший учебный период особое внимание уделялось и вопросам организации работы по повышению интеллектуального уровня военнослужащих. Отрадно было видеть, как офицеры-воспитатели становились инициаторами добрых дел в данном направлении.**

# ТЕСТОВАЯ ОЦЕНКА – ОТЛИЧНО

Например, в подразделении, где заместителем командира по воспитательной работе капитан Акрам Абдушукуров, отведено немало времени проведению различных игр, развивающих мышление и смекалку, – «Интеллектуальный ринг», «Зехн», «Заковат». Таким образом, даже вопросы тестов, выносимые на контрольную проверку, усваивались воинами в подобной нестандартной, игровой манере.

Результаты превзошли все ожидания. На проверке данное подразделение показало очень высокие знания, причем представитель проверочной комиссии Министерства обороны отметил военнослужащих по контракту, которые ответили правильно на все тестовые вопросы.

Конечно, данный момент является далеко не единственным слагаемым успеха воспитательной работы в коллективе. Стремление разнообразить досуг подчиненных возникло и окрепло в душе офицера еще тогда, когда он служил здесь же начальником солдатского клуба. Нам доводилось не раз встречаться на таких мероприятиях, в которых принимали участие известные в стране поэты и артисты эстрады. В зале неизменно царило оживление, каждое выступление сопровождалось бурными аплодисментами.

Атмосфера всеобщего воодушевления и радости, создаваемая на таких концертах, вдохновила офицера на дальнейший поиск. Потому с назначением на должность офицера-воспитателя он сразу же активно повел поиск самодеятельных талантов в своем подразделении. Такие ребята нашлись и среди солдат срочной службы, и среди военнослужащих по контракту. Приходилось прилагать немало усилий и изобретательности, чтобы в период подготовки к различным праздникам сочетать репетиции с повседневной служебной деятельностью.

Вместе с тем, заботы об организации досуга подчиненных, о гармоничном сочетании концертов и интеллектуальных игр со спортивными состязаниями, экскурсиями по историческим памятникам города не заслоняли вопросов укрепления воинской дисциплины. Капитаном А. Абдушукуровым умело применяются возможности таких органов самоуправления, как совет воинского коллектива, сержантский совет. Составленные из отличников боевой учебы и воинской дисциплины, они обязательно заслушивают на своих заседаниях каждого, кто допустит малейшее отклонение от уставных требований. Этим достигается профилактика воинских правонарушений, ведь свои же товарищи могут спросить ничуть не менее принципиально и строго, чем командиры.

В ходе подготовки к различным мероприятиям культурного досуга офицер плодотворно трудится в библиотеке воинской части. Различные интеллектуальные игры требуют тщательной и разноплановой подготовки, порой нужных книг не оказывается в книжном фонде. И тогда библиотекари созваниваются со своими коллегами, помогая найти именно ту литературу, которая необходима.

Вот и в работе с документацией капитан А.Абдушукуров является примером для товарищей. Недаром старший лейтенант Акмаль Юсупов, лейтенанты Рамз Ганиев, Охун Тошбеков, нередко обращаются к нему за методической помощью. И никогда не получают отказа, ведь в свое время и самого Акрама наставляли старшие и более опытные сослуживцы.

– В дни контрольной проверки капитан Абдушукуров отметил свой день рождения, – говорит майор Бахтиер Абдушбаев. – И самым лучшим подарком для него стали отличные и хорошие оценки подчиненных на тестах по общественно-политической подготовке.

Впрочем, жизнь не стоит на месте. Хорошо понимая, что соперники по соревнованию горят желанием взять реванш в летнем периоде обучения, офицер вновь полон планов и новых задумок. Прибыли новобранцы, которых надо тщательно изучать. Ведь именно в ходе индивидуальных бесед с ними рождаются самые интересные идеи, которые поначалу порой скептически воспринимаются командованием, зато со временем находят свое подтверждение жизнью. В армию идет всесторонне подготовленная, развитая молодежь, которая всегда с благодарностью воспринимает тех, кто свои усилия направляет на развитие интеллекта.

**Майор Алдияр АМИРОВ.**









# ЮРАКЛАРДА ҚАЙНОҚ ШИЖОАТ

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Музаффар Сатторов ўзига топширилган вазифани адо этишга киришар экан, машғулотга бутун диққат-эътиборини қаратди. Бўлинма ҳаракатланаётган ҳудуд координати, командирнинг буйруқлари, қурол-аслаҳаси ва алоқа аппаратининг равон ишлаётганини синчиклаб кўздан кечирган посбоннинг борлиғини масъулият ҳисси қамраб олганди десак, хато бўлмайди. Чунки унинг вазифаси жанговар вазифани адо этаётган бўлинма билан асосий кучлар ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат. Жанговар шароитда бу ғоят муҳим ўрин тутади. Шу боис алоқачи посбон жуда аниқ ва пухта ҳаракатланиши лозим. Гуруҳнинг қандай фаолият олиб бораётганини асосий кучларимиз билиб туриши зарур-да. Бу ҳолат тактик амалиёт қўллаш ва муҳим машқлар ўтказиш имконини беради. Умуман, гуруҳдаги ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз ўрни, белгиланган вазифаси борки, улар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, ҳар бирининг топшириқни пухта адо этиши ғалабанинг муқаррарлигини таъминлайди.

Ниҳоят, машғулот бошланди. Гуруҳ командири катта лейтенант Фарҳод Раҳмонбердиев қўл остидагиларга ҳаракатланиш лозим бўлган йўналиш ҳақида тушунча берар экан, фикрини дала-ўқув машғулотларида фойдаланиш учун мўлжалланган харита воситасида ифодалаб, ундаги тегишли нуқталарни кўрсатиш орқали посбонларга аниқроқ маълумот берди.

– Квадрат ...да шартли душман позицияси жойлашган, – деди командир. – Уларнинг асосий кузатув нуқтаси мана бу тепаликда. Ёрдамчи кузатув нуқтаси ҳар икки томонда, бири чўққили тош, иккинчиси ёввойи буталар орасида жойлашган. Мерганларининг ўрни ҳам ана шу учта объектда. У ерга олиб бориладиган йўлнинг ўнг томонида, базадан уч чақиримча берида ниқобланиш учун қулай марра бор. Бу ерга уларнинг эътибори қаратилмаслиги мумкин эмас. Душман пистирмаси айнан шу ерда ўрнашганини разведка берган маълумотлар тасдиқлайди. Ҳар қайси посбон ўз вазифасини пухта уддалаб, изчил ҳаракатлансин. Пулемётчи, кузатувчи ва мерганлар, асосий ҳаракатланаётганларнинг ҳимоясини пухта таъминлаш сиздан талаб қилинади. Бироқ вазият ҳар лаҳзада ўзгариб қолиши мумкин. Барчангиз бунга тайёр туринг...

Гуруҳ командири шу тариқа ҳар бир посбонга тегишли вазифани тушунтириб, ким қандай ҳаракатланишини белгилаб берди. Бўлинмани ҳимоя қилиш ва зарур пайтда қақшатқич зарба беришга тайёр турган пулемётчи посбон кичик сержант Бахтиёр Саидовнинг шайлиги юксак. Марказда олға ҳаракатланаётган уч нафар жангчи бир-бирини уч томондан ҳимоя қилиш ва худди шу тартибда зарба бериш вазифаси билан олға интилмоқда. Заррабин билан ҳудудни кузатиб турган яна бир посбон Сирожиддин Собировни эса тоғ бургутига қиёслаш мумкин. Унинг зийрак нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди. Айниқса, посбон ниқобланиб олгач ўзи ҳамма нарсани кўради, уни эса бошқаларнинг кўриши мушкул. Кузатувчи ҳар бир предметни синчиклаб ўрганишга ҳаракат қиляпти. Зарур ҳолларда бу ҳақда командирга маълум қилинмоқда. Мадад бериш бўлинмасидаги ўт очувчи посбон кичик сержант Абдулазиз Ражаббоев ҳар сонияда жанговар қуролини ишга солишга шай. Ўқчи посбон кичик сержант Камолиддин Қаҳҳоров ҳам юксак ҳушёрлик туйғуларини юрагига жо этган ўғлонлардан. Уларга ноқулай об-ҳаво шароити ҳам, ҳудуднинг ҳаракатланишга ноўнғайлиги-ю, хавф-хатар ҳам чўт эмас. Ўғлонлар зарур ҳолларда арқонлар воситасида осилиб тушиш ёки кўтарилиш, узоқ масофага югуриб ўтиш, худди шундай вазифаларни елкасида оғир юк кўтарган ҳолда адо этиш, жанговар қуроллардан маҳорат билан фойдалана олишдек ҳаракатлари билан тайёргарликлари нечоғлик мустаҳкам эканини намойиш эта оладилар. Машғулот ижобий якунланди, ҳар бир жангчи ўз вазифасини намунали тарзда адо этди.

– Шунқорларимиз ўтюрак, жасоратга ташна азаматлар, – дейди биз билан суҳбатда гуруҳ командири катта лейтенант Фарҳод Раҳмонбердиев. – Улар нимага интилаётганини, ким учун хизмат қилаётганини яхши билишади. Сафдошлар ўзаро жуда аҳил. Сафдошларимнинг ҳар бирини ўз бурчига содиқ, юрт тинчлигини асрашдек шарафли вазифага меҳр қўйган, деб баралла айта оламан. Буни уларнинг машғулотга иштиёқ билан киришиб, ҳар бири илғорликка интилаётганидан ҳам бемалол англаб олиш мумкин.

Командирнинг сўзларида муболаға йўқлигига амин бўлдим. Чунки лочинларимиз машғулотни ғоят уюшқоқлик ва фаоллик билан ўтказишаётгани замирида ҳарбийликдан фахрланиш, ғурурланиш ҳисси яққол сезилиб турарди.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**





**В подразделении мобилизационного призывного резерва Ташкентского военного округа в торжественной обстановке, в присутствии родных и друзей, ветеранов Вооруженных Сил, представителей общественных и государственных организаций, вышестоящего командования приняли Военную присягу граждане, проходившие месячные сборы.**





Место службы – МПР

# СВЯЩЕННАЯ КЛЯТВА

Гости тепло поздравили молодых людей с важным и ответственным событием в их жизни, призвали пополнивших ряды обученного резерва быть верными Родине. Они выразили твердую уверенность в том, что новое поколение узбекистанцев продолжит славные боевые традиции великих предков, будет бдительно стоять на страже мира и спокойствия в стране.

– Еще учась в агрономическом колледже, – делится впечатлениями Камолиддин Маматов, – я получил много информации о проходящих в наших Вооруженных Силах реформах. И вот представилась возможность увидеть их эффект. Сборы были четко организованы с первого дня. Наши командиры доходчиво и умело учили нас строгому армейскому распорядку дня, азбуке военного дела, дисциплине и порядку. Поначалу возникали сомнения в том, что мы сможем в столь короткий срок освоить программу. Однако уже первая неделя занятий рассеяла все сомнения. Опытные офицеры и сержанты проводили занятия четко и последовательно, находили индивидуальный подход к каждому из нас, учитывая уровень образования и особенности характера при доведении тем занятий. На своем опыте я и мои товарищи убедились – реформы в наших Вооруженных Силах успешно претворяются в жизнь.

– Я искренне рада за сына, – говорит Надежда Иськова. – Горжусь тем, что сегодня наш Евгений принял Военную присягу. Считаю, что это долг каждого мужчины. Ведь мужчина – это защитник, опора семьи. Мы с мужем очень обрадовались, когда он избрал службу в мобилизационном призывном резерве. Он работает на Алмалыкском горнометаллургическом комбинате. Поэтому очень важно, что он без большого перерыва продолжит работу, будет совершенствовать свое профессиональное становление. Уверена, что приобретенная армейская закалка поможет ему в дальнейшем. И то, что сегодня в нашем государстве на первый план выносятся интересы молодого человека, является проявлением дальновидной и гуманной политики руководства страны.

**Старший лейтенант Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

Ёзги мавсумга тайёргарлик

# МУҲИМ ОМИЛ

**Биламизки, Қуролли Кучлар жанговар шайлигини таъмин этувчи асосий омиллардан бири бу – жанговар техника, қурол-аслаҳаларнинг доимо соз ва ҳар қандай вазиятда қўйилган вазифанинг бажарилишига тайёр ҳолатда бўлишидир. Бунинг учун унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ўз вақтида тегишли хизматларни кўрсатиш, белгиланган тартибда сақлаш каби жиҳатларга эътибор бериш талаб этилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айни пайтда давом этаётган мавсумий тарзда амалга оширилувчи жанговар техникани ёзги мавсумга ўтказиш ишлари ҳам юқоридаги мақсадга хизмат қилади.**



Офицер Мамаражаб Бегалиев хизмат қилаётган бўлинмада соҳа мутахассисларининг барча техникани ёзги мавсумга ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга ошираётганларининг гувоҳи бўлдик.

– Барча чора-тадбирлар белгиланган режа асосида олиб борилмоқда, – дея изоҳ берди масъул офицер. – Аввало, техника диққат билан кўздан кечирилади, унинг мавжуд камчилик, нуқсонлари аниқланади. Тиббиёт ходимлари тили билан айтганда, шу тариқа, «ташхис» қўйилади. Сўнгра, камчилик даражаси ва хусусиятига қараб зарур техник хизмат кўрсатиш тури белгиланади. Шунингдек, нафақат жанговар техниканинг ўзи, балки унга тегишли ҳужжатлар ҳам кўздан кечирилади. Туширилган қайдлар, ҳужжатнинг тўлдирилишига аҳамият берилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мавсумий ишларнинг тўғри олиб борилиши, ташкиллаштирилишида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар улар олдидан ўтказилувчи кўргазмали машғулотларда батафсил кўриб чиқилади. Хизмат сафари билан офицер Абдулҳаким Қўчқоров хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлганимда, айнан шундай машғулотлар ўтаётган эди.

– Кўргазмали машғулотлар давомида қишки мавсумда қурол-аслаҳа ва техникадан фойдаланиш бўйича якуний кўрсаткичлар, кўрилиши зарур бўлган хавфсизлик чоралари, ёзги мавсумда жанговар қурол ва техникадан фойдаланишнинг ўзига хос томонларига урғу берилди, – деди офицер Қобил Ибрагимов. – Машғулотларни юқори савияда ўтказишда кўпчилик ҳарбий хизматчилар қатори лейтенант Парвез Жўраевнинг хизматларини алоҳида таъкидласа бўлади.

Дарҳақиқат, қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар давлат мулкини асраб-авайлаш ҳар бир фуқаро бурчи, масъулиятидир. Хусусан, ҳарбий хизматчи унга ишониб топширилган қурол-аслаҳа, жанговар техника, жиҳоз ва шу кабилар учун жавобгар шахс саналади. Демак, жанговар шайлик айни пайтда тежамкорлик ва эҳтиёткорлик талаб этади.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ**
**суратга олган.**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Президентлар хавфсизлик масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу мавзу бевосита Афғонистондаги вазиятга бориб тақалиши равшан. Зеро, Ўзбекистон ва Покистон террор билан юзма-юз келган давлатлардир. Халқаро террорчилар икки мамлакатга ҳам узоқни кўзловчи мақсадлар билан ҳужумлар уюштирган. Ислом Каримов айтганидек, ҳар қандай тараққиёт замирида тинчлик ва барқарорлик ётади. Афғонистонда хавфсизлик муаммоси ҳал этилмас экан, у ерда давлатчиликни тиклаш, халқ хўжалигини оёққа турғазиш, инфратузилмани ривожлантириш қийин кечади. Афғонистондаги беқарорлик эса Марказий Осиё ва Жанубий Осиё давлатларидан иборат макроминтақадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳамкорлик масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Президентлар турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро нуқтаи назарни мувофиқлаштириб боришга келишиб олдилар. Жумладан, БМТни ислоҳ қилиш масалаларида баҳамжиҳат иш кўриш ҳамда минтақавий ва халқаро миқёсдаги жараёнларга таъсир кўрсатишга қодир бўлган ШҲТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар маъқулланди.

Музокараларда минтақавий транспорт–коммуникация лойиҳаларини ижро этиш энг долзарб вазифалардан бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга келишиб олинди.

Сир эмаски, Покистоннинг Карачи ва Гвадар бандаргоҳлари Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё давлатлари маҳсулотларини дунё бозорларига чиқариш учун яхши восита бўлади. Шу билан бирга, Покистондан Марказий Осиёга савдо йўлини ривожлантириш ҳам минтақалараро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон–Покистон савдо-иқтисодий муносабатларига келсак, 2005 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 10,7 фоиз ортди, жорий йилнинг январь-февраль ойларига доир кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 карра ошди. Аммо Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги савдо ҳажми ҳали имкониятлар даражасида эмас.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда, томонлар қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жумладан, улар учун виза бериш тартибини енгиллаштириш, мунтазам равишда бизнес-форумлар ва кооперацион биржалар ташкил этиб бориш, ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириш учун банклараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Энергетика манбалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Энергетик хавфсизлик масаласи кундан-кун долзарблик касб этиб бораётган ҳозирги даврда бу йўналишдаги алоқалар Ўзбекистон ва Покистонга муқаррар фойда келтиради.

Музокараларда Ўзбекистон ва Покистон халқларининг маданий яқинлигини назарда тутиб, академик доиралар, маориф ва олий таълим муассасалари, сайёҳлик компаниялари, шунингдек, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари каби соҳалар вакиллари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашувлар ниҳоясида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Покистон Ислом Республикасига ташрифи якунларига доир қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида Халқаро террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни кучга киритиш учун ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисида протокол, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми, шунингдек, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Покистон Озиқ-овқат, Қишлоқ хўжалиги ва Чорвачилик вазирлиги ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Покистон Даромадлар бош бошқармаси ўртасида ташқи савдо божхона статистикаси соҳасида ўзаро услуб ва ахборот алмашишда ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ўртасида қўшма тадбиркорлар кенгашини тузиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Хабиб банк лимитед» ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Матбуот анжуманида музокаралар самарали кечгани, мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққани, кўплаб халқаро муаммоларга Ўзбекистон ва Покистоннинг муносабати ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди.

– Музокаралар очиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ўтди, самарали кечди, – деди Ислом Каримов. – Ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этдик ва уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Қатор халқаро масалаларда қарашларимиз яқин ва ўхшаш, айниқса, хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳамфикрмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Покистоннинг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади.

Парвез Мушарраф террорчиликка қарши кураш янги тактикани тақозо этаётганини, бу борада баҳамжиҳат ҳаракат қилингандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади.

– Бу алоҳида бир давлатнинг иши эмас, – деди Покистон Президенти. – Хавфсизлик органлари яқин ҳамкорликда ишлаши, ахборот алмашиши лозим. Аввало, террорчиликнинг молиявий манбаларига барҳам бериш зарур.

Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканлигини таъкидлаган Парвез Мушарраф ҳамжиҳатлик асосида турли масалалар юзасидан ўзаро келишилган қарорлар ишлаб чиқиш учун барча имкониятларни ишга солишини қайд этди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Покистон Бош вазири Шавкат Азиз билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон – Покистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Томонлар фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш хусусида суҳбатлашдилар. Шунингдек, сармоявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Миллий ассамблеяси (парламентнинг қуйи палатаси) раиси Чаудри Амин Ҳусайнни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Покистон ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасида ахборот ва тажриба алмашиш давлатлараро муносабатларимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Чаудри Амин Ҳусайн мамлакатимиз раҳбарини ташрифнинг самарали натижалари билан қутлаб, Покистон Миллий ассамблеяси Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг Федерал сув хўжалиги ва энергетика вазири, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон–Покистон ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси Лаиқат Али Жатойни ҳам қабул қилди. Суҳбат чоғида сув-энергетика мажмуи соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳукуматлараро комиссиянинг фаолият кўламини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. У шуниси билан аҳамиятлики, ҳозиргача 26 ҳужжат билан тартибга солиб келинган ўзаро муносабатлар эндиликда янги суръат билан ривожланади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги, эришилган сиёсий келишувлар давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлайди. Иқтисодий битимлар эса мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мазмунини бойитади. Бир сўз билан айтганда, бу ташриф Ўзбекистон ва Покистонни бир-бирига янада яқинлаштирди.

**Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент–Исломобод–Тошкент.**

# ЧИЗГИЛАРГА КЎЧГАН ХОТИРА

Ўтганларни хотирлаш, кексалару юрт фидойиларини қадрлаш ўзлигимизга хос удумларимиздан бири. Юртбошимиз 9 майни Хотира ва қадрлаш куни дея белгилаганида, унинг умумхалқ миқёсида ўтказилаётганида катта маъно бор. Шу сабабли юртимизнинг барча гўшаларида ушбу улуғ кунга бағишлаб турли тадбирлар, кечалар бўлиб ўтмоқда. Қуролли Кучлар Марказий музейида ҳам Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бадиий кўргазмага «Хотира» дея ном берилди.

Кўргазманинг қизиқарли ва қадрли томони шундаки, унга Бадиий Академия қошидаги рассомлар ижодий уюшмасининг аъзолари – иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларининг асарлари қўйилган. Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олган Бадиий Академия президенти Турсунали Қўзиев «Бу асарлар унутилмас хотиралардан қолган юрак оғриқлари ила чизилган. Уларнинг ҳар бири она Ватанни севишга бағишлангани билан қадрлидир», деган сўзларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу бежиз эмас. Чунки асарларга мурожаат қилсангиз, бешафқат урушнинг аччиқ хотиралари кўз олдингизда намоён бўлади, тинчликнинг буюк неъмат эканлигини янада чуқурроқ англайсиз.

Бадиий кўргазмага ўн беш муаллифнинг қирққа яқин асари қўйилган бўлиб, буларнинг ҳар бири ўз мазмун-моҳиятига эга. Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони, Халқ рассоми марҳум Самиғ Абдуллаевнинг «Автопортрет»и, таниқли рассомлар – И.Кочетовнинг «Собир Раҳимов», Евгений Гадецкийнинг «Иккинчи жаҳон уруши асарлари», А.Слугиннинг «Отам портрети» ва «Она» асарлари чуқур фалсафийлиги билан ажралиб турса, иқтидорли ижодкорлар – Р.Аюпов, В.Зияев, С.Валенский, В.Лисов каби бир қатор рассомларнинг чизгиларида ҳам бетакрорлик мужассам. Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар устида узоқ тўхталиш мумкин.

– Бу ердаги асарлар менда катта таассурот қолдирди, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Азизбек Шаропов. – Уларнинг барчаси бугунги тинч-осойишта ҳаётимизни қадрига ета билиш, уни асрашимиз лозимлигини яна бир бор ёдга солади.

– Албатта, шундай, – дея суҳбатга қўшилади курсант Диёрбек Ҳасанов. – Кўргазмадаги расмлар биз бўлажак офицерларни жасоратга чорлаш билан бирга, келажак авлодни ватанпарварлик, маънавий баркамоллик руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлашимиз, ўтган улуғ аждодларимиз хотирасини унутмаслигимиз лозимлигини таъкидлаб туради.

«Хотира» бадиий кўргазмаси ҳали кўплаб музей меҳмонлари ва ҳарбий хизматчиларга маънавий-руҳий озуқа улашади.

**Дилшода НОСИРОВА.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**





# АХБОРОТ ТАҲДИДИ у нималарда намоён бўлади?

**XX асрнинг ўрталаридан бошлаб айрим ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ бошқа мамлакатларга таъсир кўрсатишда ноҳукумат нотижорат ва халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган. Бу воситалар орқали аҳоли ва айрим шахсларнинг онгига таъсир қилинган.**

Махсус марказлар томонидан ишлаб чиқилган ахборот-психологик таҳдидлар инсон табиатининг нозик хусусиятлари ва жамият тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ўта устамонлик билан қамраб олинган.

**«Психологик уруш», «ахборот уруши», «психологик операциялар», «ахборот-психологик кураш олиб бориш», «психологик ҳимоя»** сингари атамалар ўзида ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси томонидан XX асрнинг 50-60-йилларида «одамларни қайта дастурлаш», «онгни ювиш» борасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Ижтимоий онгга таъсир этувчи самарали усулларни ўйлаб топиш ва улар орқали одамларни бошқариш мақсадида бу соҳага катта маблағ сарфланган. Шундай лойиҳалар устида ишлаган олимлардан бири доктор Ивен Камерон 1946 йил чоп этилган **«Ижтимоий психиатриянинг чегаралари»** асарида ижтимоий психиатрия фуқаролар устидан назорат ўрнатишга хизмат қиладиган, уларда ижтимоий фикр, эътиқод ва ҳаёт тарзини шакллантирувчи усулларни ишлаб чиқишга ёрдамлашиши зарурлигини таъкидлаган.

Психология ва коммуникация соҳасидаги ютуқлар ахборот-психологик уруш олиб боришга кенг имкониятлар яратди.

А.Караяни **«Замонавий урушларда ахборот-психологик қаршилик кўрсатиш»** сарлавҳали мақоласида АҚШда ҳозирги пайтда FM 100-6 «Ахборот операциялари», FM 33-1 «Психологик операциялар» сингари дала дастурларидан фойдаланилаётгани ва ахборот урушини олиб бориш соҳасида мутахассислар тайёрланаётгани ҳақидаги маълумотларни келтирган.

Америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича, ахборот уруши олиб боришнинг алоҳида концепциялари АҚШ томонидан узоқ вақт мобайнида қўлланилиб келинмоқда. Масалан, собиқ Варшава шартномасига аъзо давлатларга ана шундай ахборот-психологик тадбирлар қўлланилган. АҚШ Форс кўрфази (1990-91 йиллар), Гаити (1994 йил), Босния ва Герцеговинадаги (1996 йил) ҳарбий амалиётлар давомида ҳам кенг кўламли ахборот ва психологик тадбирларни амалга оширган. Ўз мақсадини кўзлаб турли ёлғон маълумотлар тарқатиш бу операцияларда оддий ҳол саналади.

А.Манойло ва А.Петренко сингари таҳлилчиларнинг ёзишича, АҚШнинг Ироқдаги операциялари даврида ҳам турли-туман ахборот қуролларидан самарали фойдаланилган. Улар орқали оммавий ва индивидуал онгга таъсир кўрсатилган. Масалан, ўша пайтда зотилжам касаллигининг янги тури тўғрисида миш-мишлар тарқатилган. Бу ахборот-психологик таъсир бутунлай ижтимоий фикрга эмас, балки ҳар бир шахсга йўналтирилган бўлиб, улар Ироқда бўлаётган воқеаларни бироз унутишга хизмат қилган. Бошқача айтганда, оғир касаллик ҳақидаги миш-мишлар орқали одамларнинг ижтимоий фикри чалғитилган.

А.Караяннинг юқорида номи тилга олинган мақоласида ёзилишича, АҚШ Қуролли кучларининг «Ягона истиқбол-2010» ҳужжатида XXI асрда қуролли курашнинг асосий хусусияти ахборот соҳасидаги курашга эътибор бериш ва ҳар қандай рақиб устидан ахборот ҳукмронлигига эришиш ҳисобланиши қайд этилган. Бундай психологик операциялар АҚШ ва унинг шериклари бўлган мамлакатлар учун маъқул бўлган йўналишда алоҳида раҳбарлар, ташкилотлар, миллий ва ижтимоий гуруҳлар ҳамда хорижий давлатлардаги айрим шахсларнинг ҳиссий ҳолати, ҳаракатлари, қарорлар қабул қилиши ва ўзини тутишига таъсир қилувчи махсус ишлаб чиқилган ахборотни тарқатиш чора-тадбирларини қамраб олади.

Стратегик даражада психологик операциялар муайян сиёсий ёки дипломатик қарашларни, расмий баёнотларни ёки давлат раҳбарларининг хабарларини тарқатиш ва тарғиб қилиш шаклида бўлиши мумкин. Ахборот-психологик таъсир ўтказишда сиёсий ва ҳарбий раҳбарлар, шунингдек, ОАВ, маданият ва санъатнинг кўзга кўринган вакиллари асосий объект бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда мамлакатимизга нисбатан ҳам ахборот-психологик таҳдидлар содир этилмоқда. Бу жараёнга Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича изоҳ берган: **«Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар. Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимизни ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади».**

Бу эса уларга қарши жиддий курашишни тақозо этади. Бунинг учун ахборот хавфсизлиги бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш зарур. Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб этиш, аҳолини тўғри ахборот билан тез ва ўз вақтида таъминлаш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш ана шундай вазифалар сирасига киради.

**Худоёр МЕЛИЕВ, магистр.**
**(«Инсон ва қонун» газетасининг 2 май 17-сонидан олинди).**

# БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

**(Продолжение.**
**Начало в предыдущих номерах).**

– Сам знаешь, добрая молва, как и худая, границ не ведает. Мне много о тебе рассказывали, – Ахмад Шах Масуд, хитро прищурившись, смотрел на Ризвона. – Останься в моей армии, и ты будешь почитаем в Афганистане, как воин, заслуживающий уважения. Моджахеды у тебя есть, оружие и деньги я дам. То, чего тебе не будет хватать, получишь у меня, уже как боевое подразделение моей армии. Поверь, тебе будет легче со мною, чем с религиозными теоретиками, которые приглашают тебя в Кабул. У тебя непростой характер, ты не крестьянин и не пастух, которым можно понукать. Ты воин, и твоим соратником может стать только тот, кто сам называется воином. Одно дело рассуждать о религии и призывать к верности Аллаху, совсем другое – ценой собственной крови подтвердить преданность исламу. И еще: многое из того, что сейчас происходит в Афганистане, ты видишь глазами стороннего наблюдателя. Пройдет много времени, пока ты разберешься в происходящих здесь событиях, которые можно назвать одним словом – хаос. Иногда мне кажется, что Аллах, устав от людских споров, решил всех в последний раз испытать на способность здраво рассуждать о выборе правильного пути и замесил людские страсти и пороки именно на этой земле. Лишь определивший единственно верную формулу человеческих взаимоотношений будет достоин называться хозяином нашей древней земли. Но еще одним испытанием, посланным Аллахом афганцам, стало движение Талибан. Эти дикие варвары, даже не ортодоксы, опираясь на невежество людей, гонят всех во мрак, отнимая последние искры света из без того темного сознания. И только через десятилетия за счет собственных бесчисленных человеческих жертв афганцы смогут выйти из этого мрака. Но произойдет это не с помощью собственной национальной культуры, традиций и несгибаемого природного мужества, а благодаря вмешательству западной идеологии, которая кинется спасать не столько афганский народ от мракобесия, сколько себя от расползающегося по миру невежества и террора. Сегодня намного важнее общее сплочение против Талибана, пусть даже с теми, кого мы сегодня называем своими врагами. Эта страшная чума может распространиться по всей Азии, и поверь мне, первым попавшим под ее черное покрывало будет народ Таджикистана.

Тогда, услышав эти слова, Ризвон промолчал и ничего не ответил собеседнику. Да и что мог он сказать, не зная многого из того, что происходило за тайной завесой политических интриг, вихрем кружащих вокруг ислама. Потом был Кабул, встреча с лидерами оппозиции. Многодневные дискуссии и споры о методах борьбы за установление исламской власти на родине. Обсуждение планов интенсивной идеологической работы на территории Таджикистана и организация диверсий, боевых операций и террористических акций – именно это возлагалось на Ризвона и его боевую группу, в которой многие в те дни хотели видеть костяк будущей армии. В его задачу входило и объединение разрозненных боевых группировок на территории Таджикистана с расширением зоны проведения боевых операций. Все вопросы финансирования покупки оружия, амуниции и содержания брала на себя оппозиция, располагающая прямой поддержкой крупных исламских центров. Штаб Ризвона должен был быть в Кабуле. По прошествии нескольких дней после первого совещания он на деньги оппозиции купил огромный дом на окраине города, впоследствии реконструированный по его же личному проекту.

А потом началась подготовка боевиков и отправка их небольшими группами в глубь таджикской территории или в Душанбе. Боевики возвращались с заданий, зачарованные своими кровавыми успехами и безнаказанностью, оставляя за спиной проклятия тех, для кого они, по словам Ризвона, создавали Азиатский халифат. Со временем в исламских центрах, субсидирующих оппозицию, о Ризвоне заговорили, как о возможном новом военном лидере оппозиции, на практике оправдывающем их финансовые затраты. Эта информация послужила первым толчком к началу разногласий между ним и лидерами оппозиции, не пожелавших уступать первенства в борьбе за использование выделяемых денег и последующую власть над собственным народом. Второй причиной разногласий стал намечающийся в 1996 году процесс переговоров оппозиции с законным правительством по мирному урегулированию политических разногласий. Ризвон понимал: переговоры, даже при условии их длительности, закончатся компромиссом в пользу мирного решения политических проблем, и первым шагом в реализации этих вопросов станет ликвидация его, как исполнителя самой грязной и кровавой работы. Взвесив все «за» и «против», Ризвон решил отправить большую часть своих боевиков в распоряжение Ахмад Шах Масуда и постепенно начать организацию собственных базовых лагерей в горах Таджикистана, в районах, близких к границе с Афганистаном. Но многие из этих планов помешал осуществить Бахром.

Много лет назад похоронив свою единственную жену, старик жил один. Только летом этого года он впервые за свою долгую жизнь со многими трудностями выбрался в столицу, чтобы проведать живущего там сына, невестку и любимую единственную внучку Наргизу. Несколько дней он молча наблюдал за их трудной и полуголодной жизнью, после чего стал уговаривать сына и невестку отпустить с ним в горы дочь. Ему не отказали – при всех существующих трудностях в городе стали не редкими случаи, когда вооруженные бандиты, без всяких объяснений, среди дня силой сажали в свои машины девушек или молодых женщин, увозя их неизвестно куда. Многие из похищенных исчезали навсегда, но те, которые возвращались через какое-то время, сломленные морально и психологически, никому не рассказывали о бесчинствах, творимых над ними похитителями. Раньше такого не было: люди чтили вековые национальные традиции и обычаи. Но кто в хаосе людских страстей и споров, замешанных на смерти, мог говорить о приличиях, морали и совести: одни пребывали в страхе от бездумной и жестокой власти оружия, другие упивались чужим страхом, владея оружием и властью.

Этой ночью так и не уснувшая внучка слушала шепот старика, рассказывающего о ночных гостях. Ей были знакомы имя и фамилия Ризвона Содирова. Его имя часто упоминалось в республиканских газетах, рассказывающих о жестокости и бесчинствах, творимых им и его боевиками не только на афганско-таджикской границе, но и во многих областях республики. Она всегда была в стороне от политики, но возненавидела бородатых бандитов с их призывами к созданию Халифата после одного стихийного митинга на улице ее родного города. Мракобесы на глазах перепуганных людей стали срывать короткую юбку светло-зеленых тонов с девушки, вырванной ими из толпы прохожих, лишь для того, чтобы публично подтвердить собственную непримиримость к оскорблению цвета флага, которым они безостановочно размахивали над толпой.

Сейчас старик не знал, как ему поступить: внучка хотела среди ночи спуститься в долину и сообщить властям о появлении в селении бандитов. Она скороговоркой рассказывала обо всех известных ей по газетам и телевидению кровавых бесчинствах бандитов, убеждая деда в том, что ночной гость и его люди – самые настоящие преступники. Старик, слушая внучку, понимал, что просто так она не станет наговаривать на гостей. Но мог ли он сделать то, о чем она просила? Ведь тем, кто сидел в соседней комнате его дома, он обещал помочь во имя Аллаха.

Старик умолял девушку потерпеть присутствие гостей в доме, обещая уже утром увести их подальше в горы. Они долго и горячо перешептывались, и наконец старику удалось убедить девушку не предпринимать ничего, что могло бы навлечь беду на селян. Он успокоился только тогда, когда заметил, как она, вдруг притихнув, забылась тяжелым сном. Старик остался сидеть у ее изголовья и, покачивая седой головой, глухим шепотом задавал самому себе один и тот же вопрос:

– Кто прав и кто виноват? Моджахеды, проливающие собственную кровь, но выглядевшие преступниками в глазах своего же народа? Или простой народ, который в этой войне погибает в руках моджахедов?

Неожиданно его обожгла догадка – во всем виновата человеческая страсть обладать властью. Но не той, которая становится украшением добрых качеств человека, а той, изначально сжигающей совесть и толкающей на поступки, несоизмеримые с понятиями нравственности. Старик прожил всю жизнь среди гор, но только сейчас понял эту простую истину. Он не ругал себя за позднюю догадку, ведь он прожил жизнь в горах, никогда не пытаясь обрести над ними власть, одновременно не позволяя им властвовать над собою. Это была честная борьба за жизнь, пусть даже неравная, ведь он был меньше и слабее каменных исполинов, подпирающих своими вершинами небо, усеянное звездами, раскинутыми Аллахом.

В этих размышлениях старик увидел, как за окном тает черный мрак.

**Айдын ГУДАРЗИ.**
**(Продолжение следует).**

## ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ



### ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Героиня нашего сегодняшнего номера – Надежда Ким из города Ходжейли Республики Каракалпакстан.

Сегодня Надежда является служащей Вооруженных Сил и успешно трудится в одном из подразделений Министерства обороны. В недавнем прошлом она блестяще окончила курсы компьютерной грамоты и, как отмечают ее сослуживцы, с любыми поставленными задачами она справляется на отлично. На «рабочем столе» ее компьютера вся документация разложена в строгом порядке, аккуратно и тематично.

Вне работы она также очень активна: основу ее увлечений составляет мир творческих идей. Она разрабатывает различный дизайн интерьеров, макетирует проекты причесок, которые, по ее мнению, должны, главным образом, подчеркнуть индивидуальность личности. А еще – она просто интересный и прекрасный собеседник.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»!

Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10x15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем).

Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

### В МИРЕ РЕКОРДОВ

● 1 апреля в Большом театре прошел торжественный вечер, посвященный 50-летию творческой деятельности певицы Ирины Архиповой. Полвека назад 1 апреля выдающаяся певица дебютировала на сцене Большого театра в опере «Кармен». Ирина Архипова по праву заслужила титул «царицы российской оперы». Она выступала на всех лучших оперных площадках мира – Ла Скала, Ковент-Гарден, Метрополитен Опера и своими выступлениями снискала заслуженную популярность. Ирина Архипова удостоена практически всех высших наград и званий СССР и России. Ее имя занесено в Книгу рекордов Гиннесса как самой титулованной российской певицы.

● 96-летний американец Милбурн Харт решил попасть в Книгу рекордов Гиннесса. Но, выпрыгивая из самолета, он вывихнул плечо и потому не смог управлять парашютом. Из-за этого Харта отнесло в сторону от посадочной площадки. Он едва избежал столкновения с деревьями, крышами домов и высоковольтными проводами. Он сумел на большой скорости приземлиться в кусты. Сейчас американец чувствует себя хорошо.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Асрор Мўминнинг қуйидаги шеъри Ватан ҳақидаги гўзал қўшиқдир.

### БУЮК ЎЗБЕКИСТОН

Ер юзида миллат кўп,
Зўрмиз деган давлат кўп,
Бир ўлка бор гўзал хўб,
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Мирза эрур чўллари,
Орол эрур кўллари,
Ипак эрур йўллари,
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Дарёлари Зарафшон,
Тоғларида олтин кон,
Кўкатлари тутар дон,
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Тошкент тенгсиз, ягона,
Ҳатто кенти Афшона
Самарқанддай афсона
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Кулди толе қуёши,
Бўлди оқил Юртбоши,
Розидир кекса-ёши
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Эзгудир ўй, сўз, иши,
Осойишта турмуши,
Ҳумодир иқбол қуши,
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

Олдда ойдин манзиллар,
Пойида унар гуллар,
Васфин куйлар булбуллар,
Дунёга донғи достон,
Бу – Буюк Ўзбекистон!

### МУЗЫКА – В БОЕВОМ СТРОЮ

## СБОРЫ ВОЕННЫХ ДИРИЖЕРОВ



**На днях на базе Отдельного военного образцово-показательного оркестра Министерства обороны Республики Узбекистан проведен учебно-методический сбор военных дирижеров воинских частей и учреждений Министерства обороны.**

Перед участниками сбора с докладом выступил полковник Павел Макаров. Затем под руководством старшего лейтенанта Касыма Атамирзаева было проведено практическое занятие по основам методики и организации службы оркестра в строю. Вслед за этим лейтенантом Бахтиером Саиджановым на плацу проведено практическое занятие по отработке элементов службы оркестра в строю.

Вполне отвечало целям дальнейшего совершенствования деятельности военных дирижеров и практическое занятие по изучению комплекса управления оркестром в строю – в движении. На плацу прибывшие из военных округов дирижеры отрабатывали навыки управления оркестрантами. В роли подчиненных были задействованы музыканты из Отдельного военного образцово-показательного оркестра Министерства обороны.

– Общаясь с такими мастерами, поневоле стремишься еще лучше работать над собой, – делится своими впечатлениями старший лейтенант Шавкат Тулаев. – Несомненно, данный сбор обогатил меня новыми знаниями и навыками, желанием дальше повышать исполнительское мастерство военного оркестра нашей части.

А вот майору Мумину Мамажонову доставило огромное удовольствие прошедшее занятие по теме: «Основы инструментовки строевых песен для духового оркестра». Прибывшие на сбор капитан Рустам Чеканов и сержант по контракту Аслиддин Турсоатов, капитан Ахмед Балтабаев плодотворно потрудились в студии над произведениями концертного репертуара. Словом, три дня были прожиты участниками сбора на едином дыхании, в процессе творческого поиска.

Вдруг вспомнились слова самодеятельного военного дирижера из известного кинофильма: «Все преходяще, а музыка – вечна!» Наблюдая за радостным блеском в глазах участников сбора, начинаешь проникаться их фанатичной преданностью миру музыки. Например, для рядового по контракту Сабира Хамраева, только начинающего свой путь военного дирижера, данный сбор явился очень ценным в плане общения с более опытными коллегами, изучения их богатого опыта.

А вот самим представителям принимающей стороны приходилось порой трудиться в очень плотном графике, сочетая занятия с участием в приеме прибывающих в нашу страну делегаций иностранных государств. Так что военные музыканты не только учат коллег, но и представляют нашу независимую Родину на самом высоком международном уровне.

**Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».**
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

## КУСОК АМБРЫ НА 1 МЛН. ДОЛЛАРОВ



Неожиданное богатство в виде большого куска маслянистого вещества свалилось на австралийскую супружескую пару. Воскообразной глыбой оказалась серая амбра, весьма ценное вещество, широко применяемое в парфюмерии. Его вес оказался 14,75 кг. Грамм этого вещества стоит от 20 до 65 американских долларов. Вырабатывается вещество в пищеварительной системе спермацетовых китов, откуда после отрыжки отправляется на морские просторы. Там оно может плавать годами и оказаться за сотни миль, прежде чем окажется на берегу. Серая амбра окружена мифами. Часто о ней говорят, как о «плавающем золоте». Кашалотам она помогает переваривать пищу. В свежем виде серая амбра представляет собой дурно пахнущее бесформенное вещество. Однако под воздействием солнца, морской воды эти отбросы превращаются в гладкий «булыжник», напоминающий воск со сладковатым запахом.

### ТЕСТ

## УПРАВЛЯЕТЕ ЛИ ВЫ ВРЕМЕНЕМ?

**От умения грамотно распорядиться своим временем в немалой степени зависит способность достигать намеченных целей. Обладаете ли вы этим талантом – узнаете из теста.**

**1. Вы пользуетесь ежедневником?**
А. Нет, он мне не нужен.
В. Он у меня есть, но пользуюсь я им не всегда.
С. Да, он мне необходим.

**2. Вы получили задание, которое нужно выполнить к определенному сроку. Ваши действия?**
А. Выложусь по полной, лишь бы закончить в срок.
В. Постараюсь выполнить, но не стану ради этого засиживаться допоздна.
С. Ничего страшного, если немного не уложусь.

**3. Выберите из трех фраз наиболее вам близкую.**
А. «Время – деньги».
В. «Работа не волк – в лес не убежит».
С. «На день надо смотреть, как на маленькую жизнь».

**4. Готовы ли вы бросить все дела, чтобы не пропустить игру любимой команды или очередную серию любимого сериала?**
А. Нередко я так и поступаю.
В. Иногда, если дела не настолько срочные.
С. Нет, такого не бывает.

**5. Всегда ли вы выполняете то, что наметили?**
А. Как правило, да.
В. Стремлюсь к этому, но бывает, что успеть абсолютно все не удается.
С. Далеко не всегда.

**ПОДСЧИТАЙТЕ КОЛИЧЕСТВО БАЛЛОВ, ПОЛЬЗУЯСЬ ТАБЛИЦЕЙ:**

| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| A | 1 | 3 | 3 | 1 | 2 | 3 |
| B | 2 | 2 | 1 | 2 | 3 | 2 |
| C | 3 | 1 | 2 | 3 | 1 | 1 |

6–9 БАЛЛОВ:
**Вам следует более бережно относиться ко времени, ибо мудрость гласит: «Время, затраченное впустую, есть существование. Время, употребленное с пользой, и есть твоя жизнь».**

10–14 БАЛЛОВ:
**Осознав, что объять необъятное невозможно, вы примирились со временем, сделав своим девизом известную поговорку: «Поспешишь – людей насмешишь». Надо признать, размеренная жизнь, почти лишенная суеты, как нельзя лучше подходит вашему темпераменту.**

15–18 БАЛЛОВ:
**Вы очень цените время и способны организовать свой день так, что вам обзавидовался бы любой бизнесмен. Дисциплинированность – крайне полезное свойство характера, не забывайте об этом.**



### ИЗ ИСТОРИИ ДЕКОРАТИВНО-ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА УЗБЕКИСТАНА

## РАСТЕТ СПРОС НА КОВРЫ



В области ковроделия и паласоткачества вторая половина XX столетия явилась временем восстановления старых и создания новых производств, что было вызвано возросшим спросом на ковры. Ковровые цехи были созданы в артелях: в Самарканде (1946), в Китабе (1946), в Хиве (1947), в Андижане (1947), Шахрисабзе (1949), в Термезе (1947), в Ходжейли (1954). В Андижане обучение проводилось ткачихами из Оима, прославленного центра хыдыршинских ковров. Изучались рисунки старинных ковров, среди которых для производства отбирались наиболее простые – с использованием в раппортной композиции центрального поля лишь одного мотива.

Возвращение узбекских художников к работе над тематическими коврами относится к началу 50-х годов прошлого века. Отсутствие навыков в этой области не могло не сказаться на результате поисков.



Паласоткачество сохраняло большую самостоятельность. Во многих районах продолжается производство традиционных видов паласов. Наряду с крупноузорными каршинскими и шахрисабскими паласами «араби» представляют интерес по разработанности полосатых узоров и особенно колорита паласы Намангана и районов Сурхандарьи. В Намангане паласы делались из хлопчатобумажной пряжи. Доминировали в них гладкие полосы синего и красного цвета, местами ритмически оживленные белым и желтым пунктирным узором. Найденность ритма широких и пунктирных полос, красивый колорит, издали воспринимавшийся как сиренево-лиловый, создавали впечатление простоты и утонченной нарядности.

Со временем усилились поиски новых форм узбекского ковра. Успешно велась работа художниками Хорезма, не знавшего ковроделия в XIX веке и не имевшего традиций. В быту здесь хорошо были известны ковровые изделия туркмен и каракалпаков. Тем не менее, освоив технологию ковроткачества, хивинские и ханкинские мастера не ограничились воспроизведением уже известных образцов. Начались поиски, в результате которых были созданы первые хорезмийские ковры. При работе над ними художники исходили из традиций декоративно-прикладного и монументального искусства Хорезма, испытавшего подъем в первой половине XIX века. За композиционную основу бралась форма традиционного среднеазиатского ковра с его замкнутой композицией, с раппортно-медальонным построением узора основного поля, многорядной орнаментальной каймой.

Искусство ковроделия, не терявшее своих высоких традиций на протяжении веков, сейчас находится на подъеме, оно жизненно и современно.

**Подготовил Борис САИДОВ.**

## ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

# ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ



**Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шу сабабли ҳар қандай давлатда уни ижтимоий ҳимоя қилиш асосий ўринда туради. Яратувчи зот бўлган аёлга – хотин-қизларга эътибор эса бундан-да зиёда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби муҳим масалаларга алоҳида урғу берилган. Бу эса жойлардаги оилалар билан узвий боғланиб иш юритувчи жамғарма ва ташкилотлар, айниқса хотин-қизлар қўмита ва кенгашлари зиммасига юксак масъулият юклади. Тан олиш керакки, ушбу Фармондан сўнг, бу борада бир қатор жиддий янгиланишлар амалга оширилди. Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам бу долзарб масалага катта эътибор қаратилганига гувоҳмиз. Шу мавзуни кенгроқ ёритиш, таҳлил қилиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи – хотин-қизлар кенгаши раиси Ойниса Нодировани суҳбатга тортдик.**



– Бизнинг асосий вазифамиз вазирлик тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларнинг ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни амалга ошириш, – дейди Ойниса Нодирова саволларимизга жавоб қайтарар экан. – Бўлимимиз асосан икки йўналишда фаолият юритади: биринчидан, ҳарбий хизматчиларнинг оиласи, фарзандлари ўртасида маънавий-маърифий, мафкуравий ва ахлоқий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш. Иккинчидан, муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган фарзандлари бор оилалар билан маҳалла, ўқув юртларида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни муддатли хизматга ҳар томонлама тайёрлашда қатнашиш.

Бу масъулиятли вазифанинг асосий негизига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсам, ҳозирда барча округ ва гарнизонлар, ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, улар мақсадли режа асосида иш олиб боришмоқда. Масалан, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўртасида миллий ва маънавий қадриятларни, энг яхши удум ва анъаналарни оммалаштириш, фарзандларини оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини юқори савияга кўтариш борасида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ҳарбий бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдамни ташкил этиш йўлида ҳамкор ташкилотлар билан амалий ишлар олиб бориш, ҳарбий оила бекаларини иш билан таъминлашга яқиндан ёрдам бериш каби бир қатор ишлар шулар жумласидандир.

– Мана шу эзгу ишларни амалга оширишда, ҳарбий оилалардаги айрим муаммолар ечимини бартараф этишда асосан қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган? Уларнинг ёрдами ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика «Оила маркази», Республика «Болалар» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари билан узвий алоқа боғлаганмиз. Булар маънавий ва моддий томондан бизга ҳар томонлама таянч бўлмоқда. Масалан, яқинда Хотира ва Қадрлаш куни олдидан Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбегим ўғлонлари» номли телекўрсатув тайёрлаш муносабати билан Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи иштирокида учрашувлар ташкиллаштирилди. Бир ҳафта давом этган бу тадбирларда ҳарбий хизматчилар маънавий ва моддий томондан рағбатлантирилди. Бир қатор муаммоли масалалар ечимига эътибор қаратилди. Хизмат сафари билан Марказий ҳарбий округда бўлганимда эса чекка ҳудудларда жойлашган ҳарбий қисмларда ҳарбий оила аъзоларини, хусусан, аёллар ва болаларни «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида тиббий асбоблар билан жиҳозланган махсус тиббий транспортда бориб тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. «Сен ёлғиз эмассан» Республика жамғармаси эса боқувчисини йўқотган ва серфарзанд ҳарбий оила аъзоларига моддий ёрдам бериб келмоқда.

Дарҳақиқат, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий жамоаларда ташкил этилиб, катта эътибор сабаб маълум ижобий натижаларга эришаётган ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлинмаларининг имкониятлари, ютуқлари ҳали олдинда. Биз буни бўлим бошлиғи Ойниса Нодированинг сўзлари орқали янада теран англаб, ҳис қилиб турдик.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Мулоҳаза

# РЎМОЛЧАДА БИР СИР БОР

Мастура холамнинг уйларига ҳар гал борганимда сервант устидаги гулдонга ёпилган каттагина рўмолчага кўзим тушади. Бир сафар қизиқиб, уни олиб кўрдим. У рўмолчадан ҳам кўпроқ кичик санъат асарига ўхшарди. Четларига кунгурадор қилиб тўқилган шакллардан чиройли шокилалар осилиб турар, бир бурчагида тумшуғида гул шохчасини тутган булбул, иккинчи учига эса атиргул расми ипак билан тикилган. Бир четига оч яшил ипакда «Сизни дерман умрим борича» сўзлари ёзилган эди. Рўмолчани қизиқиш билан томоша қилаётганимни кўрган поччам кулдилар ва:

– Бу холангизнинг менга илк совғаси, уни 45 йилдан бери сақлашимнинг сабаби шунда, – дедилар.

Бу гапларни айтар экан, ёши бир жойга бориб қолган поччамнинг кўзларида нимадир йилт этгандай бўлди. Бу узоқ йиллик муҳаббатли ҳаётидан миннатдорчилик, қониқиш ҳисси эди, назаримда.

Дарҳақиқат, ҳаё ва ибо аталмиш покиза туйғулар асираси бўлган қизларнинг ўз муҳаббатини пинҳон тутиб қалб туғёнларини, меҳрини рўмолчада акс эттиришлари унча узоқ бўлмаган ўтмиш. Бу ўтмишда нақадар сирли кўринишган улар йигитлар учун, нақадар қадрли бўлишган.

Мактабни битириб, олий ўқув масканига ўқишга кирдим. Университетга борар эканман, мен тенги қизлар автобус, троллейбус ёки трамвайга чиқсалар, агар ёши катта одам бўлмаса, йигитлар дарҳол туриб жой бўшатишларининг гувоҳи бўлардим. Бу ҳам йигитлардаги ғурур, қизларга бўлган ҳурматнинг бир кўриниши эди, аслида. Бу жудаям яқин ўтмиш.

Ҳозир-чи? Аксарият йигитларимиз (Аллоҳга шукур тарбияли, иззатини биладиган йигитлар кўп) нафақат қизлар, балки ёши улуғроқ аёлларга ҳам жой бўшатишмайди. Уларнинг хотиржам ўтиришларига, атрофидаги аёлларга эътибор ҳам бермасдан, турли ножоиз сўзларни гапиришларига, сўкинишларига қараб ўйланиб қоламан: йигитларимиз нафақат Ватан посбони, балки Аллоҳ заиф қилиб яратган хилқат: опа-сингиллари, оналари, улар тенги барча аёллар шаънини, обрўсини ҳимоя қилувчи зотлар эмасми? Нега улар буни тушунмайдилар? Торлигидан йиртилай деб турган шим кийган, кўкси очиқ, боз устига киндиги ҳам очиқ қизларни кўриб, йигитларнинг лоқайдлиги сабабини тушунгандай бўламан. Зеро, ҳурмат-эҳтиромга эришмоқ учун аввало унга муносиб бўла билмоқ керак. Биз нозик идроки-ю, латофати, шарму ҳаёси, зукколиги, билимдонлиги билан Ғарбнида лол қолдирган Шарқ аёлларининг авлоди эканлигимизни, Абу Али ибн Сино, Беруний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Мотурудий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Муҳаммад Бобур каби буюк зотларни дунёга келтирган оналарнинг меросхўрилигимизни унутмайлик. Олма дарахтининг тагига олма тушади, дейишади. Шундай экан, момомерос иффатни, покизаликни, шарму ҳаёни ўзимизга либос қилсак, қанчалик гўзал иш бўларди.

– Жамоат транспортига чиқишга юрагим бетламайди, – дейди жияним Ҳабибулло койиниб. – Кўзимни қаерга қаратишни билмай қийналаман! Ғарбга тақлид қилиб кийинадиган қизларнинг ота-онаси, ака-укалари нимага индашмайди?

– Ҳа, энди бу ҳам модада, – дейман нима деб жавоб қилишни билмай ва гапимдан ўзим хижолат бўламан.

– Урф экан, деб ярашса-ярашмаса атрофдагилардан орқада қолгиси келмай кийинадиган қизларнинг аҳволи нақадар ачинарли эканлигини ўзлари бир ўйлаб кўришса эди, – дейди жияним куйиниб. – Улар бир вақтлар йигитларимиз қалбида титроқ пайдо қилган атлас кўйлакда бирорта ўзга миллат вакиласини кўришганмикин? Албатта, кўришмаган. Шундай экан, нимага қизларимиз, ҳатто ўрта ёшли аёлларимиз ҳам ўз қадрини пастга уришлари керак ўша Ғарб кийимларини кийиб.

Жиянимнинг гаплари тўғри эканлигини эътироф этган ҳолда ота-оналар, буви ва буважонларга мурожаат қилиб, шундай дегим келди:

– Бошларидан кўплаб яхши ва ёмон кунларни ўтказган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган азиз нуронийлар! Фарзандларимиз, набираларимиз келажаги учун масъулият бизнинг ҳам зиммамизда эканлигини унутмайлик. Уларнинг миллатимиз анъаналарига мос равишда шарқона тарбия олишларига, кийинишларига эришайлик. Зеро, улар аъмол дафтаримизга ёзиладиган савоблар миқдорини давом эттириб туриши мумкин бўлган зурриётларимиздир.

**Муборак МИРКАМОЛОВА.**



Нуроний қалбларда ёшлик сурури

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

# БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ҒАМХЎРЛИК

«Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлишлари учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур». Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни баркамол тарбиялаш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани аниқ.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг 2,5 мингдан зиёд фарзандлари тарбияланаётган мактабгача тарбия муассасаларига берилаётган бугунги эътибор ҳам жуда катта. Яқинда ушбу тарбия масканларининг мудиралари, услубчи ва ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Анъанага айланган бу йиғинда Республика Халқ таълими вазирлигидан вакиллар ва Тошкент шаҳар туманларининг халқ таълими бўлими услубчилари ҳам таклиф этилди. Икки кун давом этган ўзига хос маънавий-маърифий тадбирда дастлаб сўз олган Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник М.Аҳмедов вазирлик тасарруфидаги боғчаларнинг бугунги аҳволи ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида қисқача тўхталар экан, ўқув йиғинининг самарали ўтишига ишонч билдирди.



Албатта йиғинни ўтказишдан асосий мақсад, таълим йўналишига жорий этилаётган ислоҳотларнинг амалиётдаги кўламини, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги режаларга тўхталиш. Йиғинда амалий, назарий ва услубий машғулотлар уйғунликда олиб борилди. Бу машғулотлар биринчи кун Тошкент гарнизонидаги Шоҳиста Зияева бошчилигидаги 62-болалар боғчасида ўтган бўлса, йиғиннинг иккинчи куни Чирчиқ гарнизонидаги Элла Куропаткина етакчилик қилаётган 4-мактабгача тарбия муассасасида давом этди.

– Биз тадбир аввалида боғча мудираларига Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган услубий қўлланмалар тарқатдик, – дейди Мудофаа вазирлиги мактабгача тарбия муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Моҳида Атабаева. – Кўриб турганингиздек, услубий-ўқув йиғини ишчанлик руҳида, долзарб мавзуларни қамраган ҳолда, баҳс-мунозарага бой тарзда ўтмоқда. Бундан кўзланган мақсад таълим ва тарбия йўналишида жорий этилаётган янгиликларни боғчаларга татбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва қилинган ишлар кўламини сарҳисоб қилишдир. Ўқув йиғинида боғча мудиралари, услубчи ва ҳисобчилари учун тадбир режаси асосида алоҳида машғулот ва ўқув соатлари олиб борилаяпти. Ўйлайманки, мактабгача тарбия муассасаларининг масъул ходимлари учун бу йиғиннинг аҳамияти жуда катта бўлди.

Халқ таълими вазирлигидан ташриф буюрган вакиллар ва туман халқ таълими бўлими услубчиларида ҳам йиғиннинг иш фаолияти ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун боғчаларда яратилган шароитлар катта таассурот қолдирганига гувоҳ бўлдик. Анжуманнинг юксак талаблар даражасида ўтишига бош-қош бўлиб турган Мудофаа вазирлиги Маданий-маърифий ишлар хизмати бошлиғи подполковник Баҳодир Тўйчиев ўқув йиғини сўнгида иштирокчиларга совғалар тақдим этди. Вазирлик тизимидаги энг илғор мактабгача тарбия муассасалари дея тан олинган 62- ва 4- болалар боғчаларига махсус мукофотлар топширилди.

**Зарина НИШОНОВА.**



# КЎНГИЛСИЗЛИК
## (Қатра)

Сен билан илк танишувим ҳамон ёдимда. Ўшанда адашмасам 8 ёки 9-синфда ўқир эдим. Сени менга ўзимдан 2 синф юқорида ўқийдиган йигитлардан бири тавсия этган эди. Ҳали-ҳамон эсимда. Ўшанда қишлоқда тўй бўлган эди. Тўй давом этар, ҳамма ўзи билан ўзи овора, биз каби ёшларни катталар бир оз эътиборсизроқ қолдирган вақт эди ўша пайт. Мен ва бир дўстим тўйхонадан бир оз четроққа – қоронғуроқ жойга ўтгандик. Катталар, таниш-билиш, қўни-қўшнилар кўрмасин дея, мен дўстимни пойлоқчи қилиб қўйган эдим. Ўшанда мен сендан илк бора бўса олдим. «Чуқур-чуқур» бўса олдим ва ўзимни бу бўсадан сўнг карахт, маст киши ҳолатида сезардим, гўё осмонларда учиб юрардим. Томоғим қурир, юрагим тез-тез урар ва бошим айланар эди. Дўстимнинг «қалай» деган саволига ҳам базўргина «яхши», деб жавоб берган эдим.

Кейин сен билан ота-онам билмасин, дея хуфиёна, тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Мен сендан «бўса» олишимни қўймасдим. Сен эса турли хил ялтир-юлтир «кийимларинг» билан мени ўзингга ром этардинг. Сен билан қанча кўп учрашсам, шунчалик кўп ва тез-тез учрашишни қўмсар эдим.

Шундай кунларнинг бирида отам сен билан учрашиб юрганимдан хабар топиб, мени роса савалади лар. Лекин мен сенга «бевафо»лик қила олмасдим. Ҳаётимни сенсиз тасаввур эта олмасдим, гўё. Ҳаётимнинг энг гуллаган даврларини сенга бахш этардим.

Орадан йиллар ўтди. Мени ҳарбий хизматга чақиришди. Мен ва сен учун айрилиқ, ҳижрон дамлари бошланди. Ҳарбий хизматни бошладим. Хизматнинг илк кунларида сенсиз менга жуда қийин бўлди. Сенга ўрганиб қолган эканман. Лекин инсон ҳамма нарсага кўникар экан. Мен ҳам сенсиз яшашга кўникдим ва бора-бора сени унута бошладим. Энди сени соғинмас эдим.

Армияда спорт билан астойдил шуғуллана бошладим. Юриш-туришим, соғлигим анча тикланиб, ўзимни ҳақиқий эр йигитлардек ҳис қила бошладим. Спорт билан шуғуллана бошлагач, нафақат сени унутдим, балки сендан нафратлана бошладим. Сен билан танишганимга пушаймонлар едим. Афсус, бу ёшликнинг хатоси эди.

Мана ҳарбий хизмат тугаганига ҳам бир неча йил бўлди. Ҳамон сенсиз яшамоқдаман. Аҳён-аҳёнда сени эслаб қоламан, лекин сени бошқа хоҳламайман. Мен сен билан бир умрга хайрлашдим, энди сенга қайтмайман. Майли мени «бевафо» деб атай қол. Мен ҳам сендан кўп жафо чекдим. Сен билан ярашгандан кўра «бевафо» деган ном олганим яхши. Сен ҳам мени унут, кўзимга кўринма. Хайр, иложи бўлса даф бўл, СИГАРЕТ!!!

**Кичик сержант Носирхўжа ҲОДИБОЕВ.**

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ

### ЛАБ БЎЁҒИНИ СУРИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР



Лаб бўёғи таркибига кирадиган мой асосан, лаб терисини юмшатади ва уни ташқи таъсир (қуёш, шамол ва ҳоказо)лардан сақлайди.

Лаб бўёғи билан оғизнинг шаклини, лабнинг катта-кичиклигини бир оз ўзгартириш мумкин.

Агар оғиз катта бўлса, бўёқни оғизнинг икки чеккасига етказмай, лабнинг ўрта қисмига сурилади.

Агар оғиз кичик бўлса, лабнинг бутун сиртига сурилади.

Юқори лаб кенг бўлса, пастки лаб қуюқ қилиб бўялади.

Лаб юпқа бўлса, юқори лаб қуюқ қилиб бўялади.

Лаблар қалин бўлса, бўёқни лабнинг табиий чизиғига етказмай суриш керак.

Агар лаблар юпқа бўлса, лабнинг атрофига бўёқдан чизиқ чизиб чиқилади.

### ТЕСТО

... для которого использовалось меньше яиц, получается менее калорийным, но выпечка теряет цвет. Чтобы этого не произошло, разотрите яичные желтки с парой щепоток соли.

### ЦВЕТНАЯ КАПУСТА

... теряет при варке свой характерный резкий запах, если в воду добавить небольшой ломтик черного хлеба.

### ОМЛЕТ

... не осядет, если к яйцам добавить муку и крахмал: 1/2 чайной ложки и 1/4 чайной ложки соответственно.

### САХАР

... в рисовую кашу, сваренную в молоке, лучше добавлять в конце варки, растворив его в небольшом количестве воды.

### КАКТУСЛАР ПАРВАРИШИ



Кактусларнинг барча турлари экиладиган тупроқ енгил, юмшоқ ва ғовак бўлиши керак. Бу ўсимликлар чимли, чиринди баргли, қумдан ташкил топган тупроқ аралашмасида яхши ўсади.

Кактусларни тез-тез суғориш ярамайди. Ёш кактуслар қари кактусларга нисбатан сувга кўпроқ талабчан. Қишда камроқ суғорилади (1 ойда бир ёки икки марта). Лекин гултувакдаги тупроқ қотиб кетмаслиги керак. Қиш кунлари кактусларга кўп сув қуйилса улар тез ўсади ва қуёш нури камлигидан узунчоқ ва нимжон бўлиб қолади. Бундан ташқари кўпроқ суғорилса, чириб кетиши ҳам мумкин. Баҳор ва ёзда кактуслар экилган гултувакларни (тупроқ доим нам бўлиши учун) сув қуйилган идишга солиб қўйиш лозим. Бу тадбир ёзда ҳафтада бир марта, жазирама иссиқда ҳафтада 2 марта амалга оширилади.

Ёз кунлари кактуслар очиқ, лекин соярок ерларда яхши ривожланади, шунинг учун уларни гултувак билан бирга ерга кўмиб ўтқазиш мумкин.

